O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 28 MART
PAYSHANBA
№ 40 (26.899)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

«САМКОЧАВТО» ЖАҲОН БОЗОРИДА

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛСОЗЛИГИ ДОВРУҒИНИ ДУНЁГА КЎЗ-КЎЗ ҚИЛАДИ

Автомобилсозлик ҳақида гап кетар экан, автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторига Ўзбекистоннинг ҳам қўшилгани кишида фахр-ифтихор туйғусини оширади.

Дунё бўйича ҳар йили ўрта ҳисобда 46-53 миллион автомобиль ишлаб чиқариларкан. Шундан 9-10 миллиони юк машиналари, 1,4-1,7 миллиони эса автобус, қолгани енгил автомобиллардир. Демак, энди бу рақамлар ўзгариши табиий. Негаки, Ўзбекистон ҳам автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланган. Самарқанддаги «СамКочАвто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси Ўзбекистон автомобилсозлигининг бир тармоғидир. Корхона асосан ўрта ҳажмдаги автобуслар ҳамда юк машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўтган давр мобайнида корхонада қарийб бир ярим мингта тўрт хил моделдаги автобус ҳамда юк машиналари ишлаб чиқарилди. Ушбу автомобиллар харидорлари кўпаймоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Самарқанд шаҳридаги автокорхоналар ва фирмалар томонидан юзга яқин автобус сотиб олинди.

Шунингдек, кўпгина автобуслар Россияга экспорт қилинди. Бу автобуслар ихчам, йўловчи ташиш учун қулай ҳамда арзон бўлгани туфайли россиялик харидорлар корхонага яна буюртма берган.

Айни пайтда «Отойўл» автобусларини республикамизнинг барча вилоятларида учратишингиз мумкин. Корхона жамоаси ўз маҳсулотларини яқин келажакда узоқ хорижга экспортга чиқариш ҳаракатида.

Корхона ишга туширилиши аввалида ишчилардан 120 нафари Туркияда малака ошириб келган эди. Дастлаб ишлаб чиқаришдаги асосий юмушларни туркиялик мутахассислар бажарган бўлса, эндиликда уларга эҳтиёж қолмади, ҳисоб. Барча ишлар ҳамюртларимиз томонидан бажарилмоқда.

— Корхонамизда 400 ишчи меҳнат қилади, — дейди завод директорининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари Мўмин Олимов. — Ҳар бири ўз ишининг устаси. Улар қатъий тартибга риоя қилади. Иш ва дам олиш шароитлари тўғри ташкил этилган. Ишчиларга вақтида маош, махсус кийимлар ҳамда бепул иссиқ овқат берилмоқда.

Таъкидлаш керакки, яқин-яқингача автомобилларнинг барча қисмлари Туркиядан келтирилар эди. Энди баъзи эҳтиёт қисмлар, автомобилларнинг кузовлари, пластмассали қисмлари корхонанинг ўзида тайёрланмоқда. Ўриндиқлар Тошкентдан, бўёқлар эса Андижондан олиб келиняпти. Бу эса ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва маҳсулот таннархининг арзонлашувига ёрдам бермоқда.

Корхонада ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, муносиб ҳамкорлар, жумладан хорижлик харидорларни жалб этиш борасида мунтазам изланишлар олиб борилмоқда.

✧✧✧

Суратларда: *1. Ишчи Арсен Аживелиевнинг маҳорати хорижлик ҳамкасбларидан қолишмайди. 2. Қўшма корхона маъмурий биноси ва янги автоуловлар карвони.*

■ **Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

АФҒОНИСТОНДА ЯНА ЗИЛЗИЛА

Сешанба куни эрталаб Афғонистоннинг шимолий қисмида кучли ер силкиниши юз берди.

АҚШ ва Россия сейсмологларининг аниқлашича, зилзила маркази Афғонистон — Покистон чегарасидаги Ҳиндиқуш тоғида бўлиб, силкиниш Рихтер шкаласи бўйича 7 баллни ташкил этган. Ер силкиниши Тожикистон ва Покистонда ҳам кузатилган.

Табиий офат қурбонлари вақт ўтиши билан тобора ошиб бормоқда. Куни кеча 2 мингга яқин фуқаро ҳалок бўлганлиги аниқланган бўлса, ҳукуматнинг тахминича бу рақам 5 мингга етиши мумкин. Узоқ қишлоқлардаги вайроналардан қурбонлар чиқариб олинмоқда. Охирги маълумотларга кўра, 20 мингга яқин фуқаро бошпанасиз қолган. Айниқса, мамлакат шимолидаги Наҳрин шаҳарчасида аҳвол жуда ачинарли.

Ташқи ишлар вазирлиги маълумотига кўра, табиий офат сабабли ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай ҳам Туркияга бўладиган сафарини қолдирган. Афғонистон ҳукумати халқаро ташкилотларга табиий офатдан жабр кўрганларга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган.

Шу куннинг ўзидаёқ БМТ, Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари ҳамда кўпгина давлатлардан инсонпарварлик ёрдамлари кела бошлади. Халқаро Қизил Хоч жамияти 50 машина озиқ-овқат, Франция уч контейнер ҳамда Россия 30 тонна дори-дармон, АСТЕД ташкилоти чодир ва кўрпа-тўшаклар келтиришди. БМТ ҳудудий бўлинмаси тоғли жойларга инсонпарварлик ёрдамини вертолётларда ташишни йўлга қўймоқда.

Консерн халқаро инсонпарварлик ташкилоти раҳбари Рос О'Салливеннинг таъкидлашича, табиий офат юз берган ҳудудларда аҳвол жуда оғир. Аҳолининг салкам 80 фоизи ёрдамга муҳтож.

Мамлакатда ҳанузгача кучсиз ер силкинишлари содир бўлиб турибди. Натижада, куннинг совуқ бўлишига қарамасдан чоршанбага ўтар кечаси кўплаб афғонлар тунни ташқарида ўтказишга мажбур бўлишди. Reuters ахборот агентлиги маълумотларига кўра, куни кеча яна ер силкиниши кузатилган. Бунда ҳам қурбонлар бор.

Эслатиб ўтамиз, Афғонистонда зилзила шу ойнинг ўзида иккинчи марта содир бўлмоқда. 3 март куни юз берган 7,2 балли ер силкиниши оқибатида юзга яқин киши қурбон бўлганди. Охирги марта бундай ер силкиниши 1998 йил февраль ва май ойларида зикр этилган эди. Ўшанда 9 минг киши табиий офат қурбони бўлган.

ДЕПУТАТ БАЁНОТИ

Россия Думаси депутати Владимир Лукин Гуантанамо асирлари орасида Россия фуқароси ҳам бўлиши мумкинлигини эътироф этди. У бу ҳақда кеча журналистлар билан бўлган учрашувда баёнот берди, дея хабар қилади «Новости» ахборот маҳкамаси.

СУД ЯКУНЛАНДИ

Тожикистонда тўрт нафар жангари устидан олиб борилган суд якунланди. Улар ўтган йили 11 апрелда мамлакат ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Хабиб Сангиновга уюштирилган суиқасдда айбланаётгандилар. Жиноятчилар олий жазога ҳукм қилинди.

ТАҚДИМОТ

АДАБИЁТИМИЗ ЁРУҒ ЮЛДУЗИ

Баҳор ва байрам сўзлари ҳамоҳангдир. Бу йилги баҳор чин маънода адабиёт байрамига айланиб кетди. Ўзбек адабиёти истиқлол йилларида мазмун-моҳияти жиҳатидан янада юксалди. Улкан намояндалари қадр топди. Мустабид тузумнинг калтаклариданэгилган бошларни мустақиллик баланд кўтариб, қалбларини илҳом нурлари ила мунаввар айлади.

Ҳозирги ўзбек насрининг юксалишида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг улкан хизматлари бор. Унинг «Нур борки соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби романлари, «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Дунёнинг ишлари» номли қиссалари ўзбек прозасининг мумтоз дурдоналарига айланган.

Ёзувчи ўзининг машаққатли ижод йўли билан теран туйғуларни, тафаккур тилсимларини, кўнгил кенгликларини кашф этди. Ўткир Ҳошимов насрда назмий нозиклик, қалб қирраларини, инсон руҳий оламининг мураккаб, зиддиятли томонларини мушоҳада этиб, адабиётга ўзига хос янгилик, эзгулик олиб кирди. Камтарин адиб элликка яқин китоблари билан ўзбекнинг ҳар бир хонадони меҳмонига, меҳрибонига, дилга яқин сирдошига айланди.

Ўткир Ҳошимов Ўзбекистон халқ ёзувчиси, республика Давлат мукофоти лауреати, «Меҳнат шуҳрати», «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган. Биринчи, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Муҳтарам адибимизнинг 40 йиллик ижоди, жамиятдаги фаоллиги яна бир мукофотга лойиқ кўрилди: «Ўзбектелефильм» студияси «Ўткир Ҳошимов» номли ҳужжатли фильмни суратга олди. Фильмда бадиий адабиётнинг саккизинчи мўъжиза эканлиги, уни яратаётган инсон кечинмалари ўз аксини топган. Ёзувчининг жамиятда тутган ўрни, уни севган, қадрлаган ўқувчилари билан мулоқотлари, кечинмалари, дил дардлари, ижод машаққатлари, фуқаролик бурчи, адабиётнинг долғали йиллари узра қолдирган излари жуда самимий тасвирланган. Устозларга бўлган эҳтиром фильмнинг энг баланд чўққисидир. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саид Аҳмад, Озод Шарофиддинов, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов сиймоларининг экрандаги ифодаси кишини қувонтиради. Ва адабиётдаги устоз-шогирд анъанаси абадийлигини яна бир таъкидлайди.

Экранда ўзбек миллий меъморчилигининг шоҳ асари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси, унда фаолият кўрсатаётган адибнинг иш жараёнлари кўрсатилади. Ёзувчининг ҳаёт, инсон, адабиёт, оила ва Ватан ҳақидаги ўйлари, фалсафий мушоҳадалари ҳам фильмда акс этган.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган фильм тақдимоти бу ерга йиғилган зиёлилар ва бошқа муштарийларнинг эътирофига, ҳайратига сазовор бўлди. Фильм сценарий муаллифи Эркин Усмонов, режиссёр Эргаш Нормуродовларнинг меҳнатлари мевасидир.

Ёзувчининг «Дунёнинг ишлари» асарида шундай бир жумлалар бор:

— Мен осмондан юлдузимни танладим. Қаранг ойи, Етти оғайни орасидаги энг ёруғ юлдуз меники...

Ҳа, ёзувчи Ўткир Ҳошимов адабиётимиз ёруғ юлдузига айланганига анча бўлди.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

ОЛТИН МЕДАЛГА САЗОВОР БЎЛДИ

Маърифат юксалган мамлакатда ҳақиқий билим соҳиблари қадрланади, ҳурмату эъзозга сазовор бўлади. Сирдарё вилоятидаги Оқолтин ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори, ХДП аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор Явқочди Ҳайдаров кўп йилларидан буён олиб бораётган самарали фаолияти учун ҳақли равишда ана шундай эъзозга мушарраф бўляпти. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори.

Илм марказларидан узоқда — қишлоқ шароитида педагогикага оид илмий тадқиқотлари ва серқирра фаолияти учун Халқаро Педагогика академияси аъзолигига сайлангани ҳам бежиз эмас.

Яқинда олим Россия пойтахти Москва шаҳрида ушбу академиянинг йиллик анжуманида иштирок этди ва «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида маъруза қилди. Шу анжуманда Я.Ҳайдаровнинг маориф, маданият, фан соҳасидаги хизматлари юксак баҳоланиб, Халқаро Педагогика академиясининг катта олтин медали билан тақдирланди.

■ **Х. ОРТИҚБОЕВА**

ЧИГИТГА ФРАНЦУЗЧА ИШЛОВ

Наманган туманидаги Қозоқхон Солиев номли корпорацияга қарашли пахтани қайта ишлаш корхонасида «Миришкор МЧЖ» Ўзбекистон — Франция қўшма корхонаси ишга тушди.

Франциянинг машҳур «СТДТ» компанияси билан ҳамкорликда 193 миллион сўмлик иш бажарилди. Корхонада энг замонавий усулда пахта уруғлиги кимёвий туксизлантирилади ва сараланади. Мутахассислар фикрича, шу тариқа ишлов берилган чигитнинг унувчанлиги 98-99 фоизга етади. Уруғликни турли моддалар, касалликларга қарши препаратлар ёрдамида тайёрлаш эса ғўзага ишлов бериш харажатларини камайтиради. Корхона шу мавсумда 200 тонна туксизлантирилган чигит чиқаради. Келгусида бу кўрсаткич 3000 тоннага етади.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ**

ЕР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

ТУПРОҚ КЎП, ЕР ЭСА ҲИСОБЛИ

МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ АСОСИЙ ҚИСМИНИНГ ДАРОМАДИ ВА ФАРОВОНЛИГИ СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНИШИМИЗГА БОҒЛИҚ. ЛЕКИН ЕРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНМАС ЭКАНМИЗ, БУ БОРАДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗОЕ КЕТАВЕРИШИ МУМКИН.

МУХБИРИМИЗНИНГ БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ, ХАЛҚАРО ТУПРОҚШУНОСЛИК ЖАМИЯТИ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ МУДИРИ, ПРОФЕССОР ЛАТИФ ТУРСУНОВ БИЛАН СУҲБАТИ АНА ШУ ҲАҚДА

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз мамлакатимиз халқ хўжалигида қўлга киритилган ютуқларни кўрсатиб ўтиш билан бирга баъзи соҳаларда, хусусан, қишлоқ хўжалигида ўз ечимини кутаётган муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтдилар. Табиатнинг бебаҳо эҳсони — тупроқ, ер, сувдан самарали фойдалана олмаётганлигимизга бутун жамоатчилик эътиборини қаратди. Шу муносабат билан суҳбатимизни республикамизнинг тупроғи, суғориладиган ерлар, улардан фойдаланиш муаммолари ва истиқболларига бағишласак-да, аввало мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида, хусусан, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ заҳирасини ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишларнинг асосий нуқталарига тўхталиб ўтсангиз?

— Савол катта ҳажмдаги ишлар тафсилотини ўз ичига олади, буларни қисқароқ баён этишга ҳаракат қиламан. Давлатимиз мустақилликнинг ўн биринчи йилини босиб ўтаётир, бу давр республикамиз халқ хўжалигида, жумладан қишлоқ хўжалигида буюк бурилиш, қайта қуриш, ривожланиш даври бўлди. Даставвал, республикамиз қишлоқ хўжалигида илгари ҳукм суриб келаётган пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди, ўлкамиз далаларининг катта қисмини ғалла, мева-сабзавот экинлари-ю боғлар безай бошлади, ердан фойдаланиш сиёсати ўзгарди. Жамоа ва давлат хўжаликлари ширкат, фермер хўжаликларига айлантирилди, ерга деҳқоннинг ўзи эгалик қила бошлади.

(Давоми 2-бетда)

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА

Кеча Ўзбекистон кубогининг кечиктирилган нимчорак финал учрашуви бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Пахтакор» ҳамда пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоалари ўртасида кечган мазкур жавоб ўйинида 2:2 ҳисоби қайд этилди. Бу натижа дастлабки бахсда ғалаба қозонган (3:1) пахтакорчиларга навбатдаги босқичда қатнашиш имкониятини берди.

Қуръага кўра, тошкентликлар чорак финалда «Академия» жамоасига қарши тўп суришлари лозим эди. Аммо, мавсум арафасида уларнинг бўлғуси рақиб футбол клуби иқтисодий муаммолар туфайли тугатилди. Шу боис, «Пахтакор» ярим финалга тўғридан-тўғри йўл олди. Пахтакорчиларнинг кейинги босқичдаги рақиби 10 апрель ва 1 май кунлари ўтадиган «Қўқон-1912»—«Насаф», «Андижон»—«Қизилқум», «Нефтчи»—«Зарафшон» жамоалари учрашувларидан сўнг маълум бўлади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

КИМОШДИ САВДОСИ

МУЛК ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПМОҚДА

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёни изчил амалга оширилаяпти. Буни республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят филиалидаги савдо-сотиқлар кўламидан ҳам билса бўлади. Филиал томонидан ўтган йили 141 маротаба савдо ўтказилган бўлса, шундан 57 таси кимошди, 84 таси эса биржа савдоларидир. Жами 2017 та объект 1094157,0 минг сўмга сотилган. Улардан 1124 таси давлат объектлари ва 893 таси нодавлат объектларини ташкил этади.

Дастур бўйича уй-жой қурилиши учун ер майдонлари 52100,0 минг сўмга сотилиши мўлжалланган бўлса, амалда 929 та уй-жой қуриш учун ер майдони 54782,0 минг сўмга сотилди. Сотилган мулкларнинг асосийси қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси тармоғига кирувчи иншоотлардир.

Бундан ташқари, вилоят ҳудудида қурилиши тугалланмаган иншоотлардан 13 тасига (52105,2 минг сўмлик) ишбилармон ва тадбиркорлар эгалик ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларининг кўпайиши тадбиркорлар ўртасида рақобатни юзага келтирмоқда. Шу боис ушбу тармоқ иншоотларини қуриш учун 30 та ер майдони 810,2 минг сўмга кимошди савдоларига қўйилди.

Хўжалик суди қарорларига асосан суд ижрочилари томонидан хатланган мулклардан 34 таси 34465,9 минг сўмга ёки санацияга тушган корхоналарнинг 72 та иншооти 58264,0 минг сўмга сотилгани олиб борилаётган ўзаро ҳамкорликдан далолат беради. Шунингдек, хўжалик суди қарорларига асосан Давлат солиқ инспекциялари томонидан хатланган корхоналарнинг объектлари кимошди ва биржа савдоларига қўйилиб, шулардан 263 та объект 218023,1 минг сўмга сотилгани ҳам самаралидир.

— Шу йилнинг ўтган икки ярим ойида 378 та объект 338 млн. 617 минг сўмга, шунингдек, аҳолининг уй-жой қуриш, шахсий томорқа хўжалиги юритиши учун 149 та ер майдони 17 млн. 766 минг сўмга сотилганлиги диққатга сазовордир, — дейди республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят филиали директори Абдурахмон Аҳмедов.

Биржа ва кимошди савдоларини самарали ташкил этишда брокерлардан Абдурауф Худойбердиев, Аҳрор Норбеков, Шавкат Бобоназаров, Алишер Жумановларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Биржа савдолари таҳлили натижаларини ҳисобга олган ҳолда брокерлик идоралари тармоғини ривожлантириш мақсадида 3 та янги брокерлик идораси ўз фаолиятини бошлади. Келгусида вилоят ҳар бир туманига қарашли шаҳар ва қўрғонларида брокер ва агентлик бўлимларини очиш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда брокерлик идораларининг сони 19 та бўлиб, 19 нафар брокер ва агентлар самарали иш олиб бормоқда.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**





Бугунги кунда Ромитан тумани марказида истиқомат қилувчи ҳар бир абонент дунёнинг исталган нуқтаси билан саноқли сонияларда алоқага чиқиши мумкин. Бундан икки йил муқаддам Японияннинг электрон компьютер рақамли телефон технологиялари «Бухоротелеком» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Ромитан тумани филиали — АТСга ўрнатилгач бундай имконият юзага келган эди. Айни дамда қишлоқ жойлардаги алоқа тизимларини ҳам хориж технологияси билан ишлатиш дастури амалга оширилмоқда.

Япония алоқа тизимининг афзаллик томонлари кўп. Унда 14 дан зиёд хизмат тури, жумладан, «будильник», уйда бўлмаган тақдирда бошқа рақамни автоматик усулда териш, қисқартирилган рақамлар билан исталган рақамни «ёдда» тутиш, учта абонент билан бир йўла гаплашиш каби имкониятлари мавжуд.

Суратларда:
1. Оператор Гулчеҳра Одинаева иш устида.
2. АТСда — япон технологияси.

■ **Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

ЕР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

ТУПРОҚ КЎП, ЕР ЭСА ҲИСОБЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Давлат Ер кадастри, геодезия ва картография тўғрисидаги қонунлари қабул қилинди. Булар қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш, тупроқ ресурсларини аниқлаш, уни ҳимоялаш бўйича асосий дастур ҳисобланади.

Ҳозир республикамиз микёсида тупроқ заҳирасини ҳимоялаш, ер муносабатларини тартибга солишда республика Ер ресурслари давлат қўмитасининг ўрни салмоқли ҳисобланади.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, давлатимиз томонидан ердан тўғри фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган фармонлар ва қарорлар мавжудлигига қарамай, бу соҳада камчиликлар, аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, ердан ноинсофларча фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Президентимиз ўша мажлисда жуда ҳаяжон, лекин кўнглидаги ерга бўлган беқиёс муҳаббат билан ер қонунчилиги кўпол бузилаётганлигини, ердан, айниқса, суғориладиган экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари борлигини, экин майдонларининг шўрланиши, ботқоқланишига йўл қўйилаётганлигини ва айрим ношуд хўжалик, туман раҳбарларининг экинлар ҳосилдорлиги камайишига ернинг, тупроқнинг унумдорлигини рўкач қилиб кўрсатаётганлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Халқимизнинг «Ер — хазина, унинг калити — сув» деган гапида бир дунё маъно бор. Табиий маъданлар хазинаси доимий эмас, фойдаланиш мобайнида улар тугайди, лекин ер хазинаси доимий, у тугамайди, мана бир неча минг йиллар давомида аждоду авлодларимизни, бизни, биздан кейинги авлодларимизни ҳам боқишга, кийинтиришга қодир. Мана шуни биз бир сония ҳам унутмаслигимиз керак. Сувни хазина калити, гавҳар деб биламиз. Бу тўғрида ҳам кўп гапириш мумкин, лекин мен қатъий ишонч билан айтаманки, бизнинг республикамизда сув миқдори бироз камайган бўлса-да, экинларимизни суғоришга етарли, ундан тежамкорлик билан, тупроқнинг сингдириш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ишлатсак, экинларни тўғри танлай билсак, мавжуд сув заҳираларимиз, ҳаттоки иккинчи ҳосил учун ҳам етади. Бизнинг ерларимиз жуда унумдор, дунёдаги қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар тупроғи унумдорлигидан сира қолишмайди, аксинча, устун туради. У икки ёки ундан кўпроқ марта ҳосил беришга ҳам қодир, саховати чексиз.

— **Ҳозирги кунда, умуман, тупроқлардан, жумладан, суғориладиган ва лалми ерлардан, тупроқ заҳираларидан фойдаланишда қандай муаммолар мавжуд. Шулар тўғрисида фикрингизни билмоқчи эдим?**

— Менга жуда нозик, лекин кундалик турмушимизда, ҳаётимизда кўп учрайдиган муаммолар тўғрисида гапиришга даъват этяпсиз. Майли ўз имкониятим доирасида жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, жонажон диёримиз — Ўзбекистон табиати бетакрор, жуда гўзал. Муҳтарам Президентимиз «Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат — кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — якка-ю ягона» деб айтган сўзларини бир эслайлик. Беихтиёр тўлқинланиб кетасиз. Ўзбекистон ўзига хос сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, унумдор тупроқ қопламигагина эмас, энг асосийси, меҳнаткаш, меҳмондўст, саҳий, дилкаш, тинчликсевар миллат мамлакатидир. Ўзбекистон шарқдан ғарбга томон бир неча минг километрли тупроқ-иқлим шароити ҳар хил бўлган минтақаларни ўз ичига олган, қарийб 45 млн. гектарли ҳудуд соҳибидир. Республика Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Э. Курбонов таҳрири билан 2001 йилда чоп этилган «Атлас» маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари ва мақсадлари учун мўлжалланган майдонлар. 25736,0 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 57,3% ни ташкил қилади. Шундан доимий экин ерлари 4058,4 минг, доимий суғориладиган ерлар эса 3308,2 минг гектарни ташкил этади, холос. Мана шу суғориладиган ерлар республикамизда етиштириладиган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тўртдан уч қисмини, ҳаттоки ундан ҳам кўпроғини берадиган «олтин ер» фонди ҳисобланади. Қолган 750 минг гектар лалми, 346,9 минг гектар кўп йиллик дарахтзорлар, 112,3 минг гектар пичанзорлар, 19434,4 минг гектар ер у ёки бу даражада сув билан таъминланган яйловлар ҳам давлатимиз қудратини оширишга ҳисса қўшадиган ер фонди ҳисобланади. Энди, умумий ер фондининг қолган 42,7% нима учун керак? У тупроқ — ер заҳираси, у эл заҳираси — юртимиз бойлиги. Мана шу ерда, биринчи навбатда ер асосий муаммо келиб чиқади.

Бу — «олтин ер» фондидан, тупроқ — ер заҳираси фондидан қандай фойдаланилмоқда ва қандай фойдаланиш керак, деган муаммодир. Жавобни саволнинг иккинчи қисмидан бошлаб шуни айтиш керакки, тупроқ — ер заҳираси экинлар билан банд бўлмаган, бошқача айтганда, кўп қисми экинзорга айланмаган тупроқ қоплами фондини ташкил қилади. Масалан, Қизилқум, Устюрт каби улкан ҳудудлар, рельеф шароити мураккаб тоғ, тоғ ёнбағри ва бо-ўта шўр босган майдонни ҳам қўшиш мумкин. Бундай майдонлар биринчи навбатда ҳимояга, рекультивацияга муҳтож. Табиий тупроқ заҳираси — бу умумхалқ бойлиги, табиатдаги мувозанат тарозиси, ундан билиб-билмай фойдаланиш табиат қонунларини бузиш, ер заҳирасини барбод қилиш ҳисобланади.

Энди, асосий «олтин ер» фондимиз тўғрисида мулоҳазаларга ўтиб шуни таъкидлаймизки, бу ерлар олтинга қиёсланса-да, уларнинг ўзига яраша «инжиқ» хусусиятлари ҳам бор. Чунки бу ерларнинг 60-80 фоизи у ёки бу даражада шамол, сув эрозиясига дучор бўлган ва ҳоказо. Қисқаси, доимий суғориладиган ерларимизнинг (3308,2 минг га) барчаси унумдорликни яхшилашга муҳтож. Кўп ҳолларда буни деҳқонларимиз унутиб қўйиб, ҳеч бир тадбирсиз ҳар йили у ёки бу экинларни экиб ҳосил олаверсам, дейди. Мана шу ўринда иккинчи муаммо туғилади. Бу экинзорларни чиринди, азот, фосфор, калий каби макро ва микроэлементлар, ўсимлик учун зарур бўлган озуқа унсурлари билан тўлдириш муаммосидир. Бу муаммони ҳал этиш учун, албатта ҳам меҳнат, ҳам сармоя талаб қилинади. Ҳозир баъзи деҳқонлар ер унумдорлигини оширишнинг энг осон йўли — минерал ва органик ўғитларни кўпроқ бериш деб биладилар. Бу йўл, албатта тўғри ва муаммони тез ҳал қилади. Лекин иккинчи йўл ҳам бор: бу — оз миқдордаги минерал ва органик ўғитларни маҳаллий ўғитлар билан аралаштириб ишлатишдир. Маҳаллий ўғитларга, ҳамма билади, гўнг, эски иморат қолдиқлари, суғориш шаҳобчаларидан чиққан лойқа ва бошқалар киради. Буларда, илмий жиҳатдан исботланганки, жуда кўп озуқа заҳираси ва иссиқлик манбаи мавжуд, улар ернинг озуқа режимини батамом янгилаш қобилиятига эга.

Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш муаммолари юқорида баён этилган масалалар билан тамом бўлмайди, улар қаторига ерга сифатли ишлов бериш, тупроқ қатламларидаги намликни (айниқса, лалми ҳудудларда) тўлиқ сақлаш, экин майдонларини яхши текислаш, суғориш шаҳобчалари, зовур-коллекторлар тизимини яхшилаш ва бошқа бир қатор муаммолар мажмуаси киради. Қисқаси, биз ердан фойдаланиш маданияти, деҳқончилик маданияти даражасини кўтаришимиз керак.

— **Дарвоқе, ердан фойдаланиш маданияти, деҳқончилик маданияти нима, буларни кенгроқ шарҳлаб ўтсангиз...**

— Савол ўринли, чунки баъзи бировлар буни чуқур англамайдилар. Ваҳоланки, маданий тупроқни бобо деҳқон ўз қўли билан, табиат яратган тупроқдан вужудга келтиради. Фанда тупроқнинг ҳам, ернинг ҳам ўз таърифи бор. Лекин содда қилиб айтганда, инсон меҳнати билан экин ерларига айлантирилган тупроқ — маданийдир. Экин ерларига бўлган муносабатлар мажмуаси — ерни текислаш, асосий ҳайдов, ишлов бериш, жўяк тортиш, ўғит солиш, суғориш ва бошқалар — ердан фойдаланиш маданиятидир. Аччиқ бўлса ҳам айтиш лозимки, республикамизнинг кўпчилик хўжаликларида ерга асосий ишлов — кузги шудгор сифатли бажарилмайди, шудгордан сўнг яхши текисланмайди, намни сақлашга қаратилган технологик жараёнлар эсдан чиқарилади, сифатсиз маҳаллий ўғитлар солинади, шўр ювиш ишлари бажариладиган ҳудудларда эса асосий ишловни бундай палапартиш ўтказиш шўр ювиш сифатини янада пасайтиради. Шуни яхши билиш керакки, ҳар қайси экин ери ўзига хос турли механик таркибга эга, бу эса Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шўр ювиш ишларини ҳам, шамол ва сув эрозиясига қарши ишларни илмий асосда ташкил қилишда ҳам саводхон мутахассиснинг, тажрибали деҳқоннинг маслаҳати зарур. Бу ишлар тўғри ташкил қилинмас экан, ерлардан самарали фойдаланиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас ва бу ерларнинг унумдорлигини ошириш муаммоси ҳал бўлмайди.

Юқорида кўрсатилганидек, ер — ўта мураккаб, ўзига хос, ўзгарувчан, ўзгаришлар ва ривожланишлар ҳосили. Ер ресурслари ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳар бир давлатнинг, ҳар бир инсоннинг ҳаёт-мамоти, ҳаёт-фаолиятидир. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ер ресурсларини ҳимоя ва муҳофаза қилиш, ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, ер ресурсларидан фойдаланиш ва ер ресурсларини ҳисобга олиш, ер ресурсларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳисобини юритиш, ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳисобини ва ер ресурсларини давлат рўйхатини ва

ТЕРМИЗНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲАР БИР ТОШИ ТАРИХДАН СЎЗЛАР

АСРЛАР, ЗАМОНЛАР СИНОВИДАН МАРДОНА ЎТИБ, «МАДИНАТ-УР-РИЖОЛ» НОМИНИ ОЛГАН ВА БУГУН ҚАЙТА ЯШНАЁТГАН ШАҲАР ҲАҚИДА

Қачонки ўлкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршисида метиндек қўрғон бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она-юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустаҳкам қалъа бўлиб турибди.
Бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йўғрилган. Имом ат-Термизий, авлиё Ҳаким ота каби улуғ зотларнинг ўлмас руҳи, ҳаётбахш ўгитлари баркамол авлодларни вояга етказди.

Ислом КАРИМОВ

Инсонни доимо ўйлантириб, қайғуриб, севинтириб келадиган муқаддас туйғулар бор: она муҳаббати, илк севги, фарзандлик қувончлари, инсоний бурч...

Аммо буларнинг ҳеч бири Ватанга бўлган муҳаббатдан улуғроқ эмас.

Термизнинг 2500 йиллик қутлуғ тўйи арафасида кўнгил жуда узоқ ва қадим кенгликларга талпинади. Ўзинг туғилиб, вояга етган макон ҳақида сўзлагинг келади. Дил фахр-ифтихор туйғуларига тўлади.

Азим ва навқирон Термиз шаҳри — 2500 ёшда...

Бу рақамларни айтиш, келтириш балки жуда осондир. Аммо ана шу минг йилликлар замирида не-не кечмишлар, топишлару йўқотишлар ётганини бир ўйлаб кўринг-а...

Ватан тарихи, Ватан умри неча-неча юз йилликларни қамрайди. Термиз! У не-не ҳодисаларнинг гувоҳи бўлмаган, азим Жайҳун қирғоғида жойлашган бу кент номи дунёдаги қайси бир жаҳонгирни мафтун этмаган дейсиз.

Тарихчиларнинг маълумот беришича, бу шаҳар вужудга келган даврдан бошлаб, 1220 йилда Чингизхоннинг ҳалокатли боқишига қадар — эски Термиз шаҳри ўрнида ҳукм сурган дастлабки даврида бир жойда ривожланди.

Шундан сўнг янги шаҳар, афсонавий қақнус қуши сингари, оташу кул узра қайта тирилиб, эски шаҳардан шарқроқда, Сурхон дарёси водийсида қад ростлади. Буни ўз кўзи билан кўрган, Кастилия қироли Генрих III нинг Амир Темур саройидаги элчиси Руи Гонзалес де Клавихо бу ҳақда жуда қимматли маълумот ёзиб қолдирган.

«... Термизга киргач, ҳамма вақт ҳар хил нарса сотилаётган майдонлар ва серодам кўчалар орқали ўтиб, узоқ вақт юриб, ўз манзилимизга етиб келдик...»

Сўнг шаҳар яна жойдан жойга кўчди, аниқроғи, кенгайди. XIX асрдан бошлаб Термиз шаҳри Амударёга яқин жойда қурилиб, ривожланди.

Шундай қилиб, Термиз деганда улкан шаҳар — Сурхондарё билан Амударё оралиғидаги кенг ҳудудда жойлашган улкан кентни тушунмоқ керакки, унинг тарихи айни Термиз тарихидир.

Мозийнинг сержило суратлари тахт рўбарўсидан ўтаётган чавандозлар янглиғ элас-эпкин юз кўрсатади. Термиз юнонлар даврида... Урушлар... Тикланиш... Ободлик... Одамга лаҳзадек туюлувчи ана шу даврларда бу муқаддас ҳудудда қанчадан-қанча инсонлар яшаб ўтдийкин? Улар чеккан ғаму андуҳ, умид, қувончу шодликларни тарози палласида ўлчаб бўлармикин?.. Бетизгин хаёл уммони чулғайди кишини...

Термиз — Кушонлар даврида...

Термиз — Сосонийлар даврида...

Термиз — Шайбонийлар даврида...

Термиз — XVIII-XIX асрларда...

Термиз — Шўролар даврида...

Ва ниҳоят:

Термиз — Истиқлол йиллари, яъни бугунги озод ва қаддини кўтарган, чирой очган, қутлуғ тўйига ҳозир бўлган давр!

Дилимдан эса шу фикрлар ўтади: аждодларим чеккан ҳисобсиз ғаму андуҳлар менинг, мен яшаётган шу замин тупроғининг шодликлари учун эмасмиди? Жаҳон аҳлини ҳайратга солган аждодларимиз илму урфони шу юртнинг бугундаги миллионлаб фарзандлари бахти учун эмасмиди?..

— Ҳа, зарра тупроғинг кўзимга тутиё бўлсин Ватан! Зукко шоир нақадар ҳақ:

— Сўнди қанча салтанатлар,
Қанча туғролар.
Мақбаралар айтсин лекин,
айтсин Зуҳролар:
Ер остидан суҳбат айлар,
ҳануз Кубролар,
Термизийлар бедор ётган,
Қўрғоним, Ватан!..

Азалдан ҳар бир юрт, ҳар бир халқнинг салоҳият мавқеи аҳоли сонининг оз-кўплиги ёхуд хушманзара сўлимгоҳ жойларининг мўллиги билан эмас, ўша юртнинг илму фан, маданияту маънавиятининг ва умумтараққиётда тутган ўрни билан ўлчанган, ўлчанади. Бу жараён ўз навбатида халқ орасидан етишиб чиққан илму фан, адабиёт пешволари фаолиятига чамбарчас боғлиқдир. Шу жиҳатдан олганда жаҳондаги камдан-кам шаҳарлар дунё ҳамжамиятининг очиқ эътирофига сазовор бўлишган. Азим шаҳримиз Термиз дунё тамаддунида ана шундай салоҳият ва мавқега эга шаҳарлардан биридир.

Термизда кўп улуғ сиймолар ўтди. Аммо улар фақир ҳаёт кечирдилар. Умрлари мазмуни шу бўлди: Аллоҳ, она-замин, элу юрт олдидаги бурчини адо этиш, халққа эзгуликлар улашиш...

Термизий олимлар, буюк файласуфлар, ҳадис илмининг мутафаккирлари, шоирлар, шарқу ғарб уйғониш даврининг барча улуғлари каби, инсонларга қилган бирор яхшилигини, нашр қилган илмини, эришган ютуқларини кўз-кўз қилиб обрў-эътибор олишга уринмаганлар. Балки, хокисор ва камтарлик ила ҳаёт кечирганлар. Бугунги изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, бу юртда яшаб илм-фан, ижод билан шуғулланган Термизийларнинг сони 100 нафардан ошади. Улар қолдирган маънавий манбаларнинг қадр-қиммати ғоят бебаҳодир.

Маълумки, Термиз Моваройнаҳр ва Хуросонни, шарқу ғарбни, шимолу жанубни боғлайдиган йўллар чорраҳасида жойлашган. Буюк ипак йўли ҳам Термиздан ўтган. Бундай қулай шароит ва муҳит Термизнинг тараққий этиб гуллаб-яшнашида албатта, муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Тарихдан аёнки, ақлли шоҳларни, ҳукмдорларни бирон-бир ҳудуд чиройи ёки қулайликларигина эмас, аввало ўша муҳитдаги тараққиётга омил бўлган илму фан, маънавият сарчашмалари қизиқтирган ва «отланиш»га ундаган. Дунёдаги тўртта буюк империядан бири саналмиш Кушонлар империясининг маркази ҳам азим Термиз шаҳрига келиб тақалади. Будда таълимотидан тортиб Сосонийлар даври-ю, муқаддас Ислом динининг тарғиботида Осиё қитъасида муҳим ўрин тутади. Яқинда топилган эски ёзма китобдан аён бўлдики, жаҳон илмининг ривожида катта мавқега эга алломалардан бири Беруний-нинг устози Ҳазрат Аҳмад Устурлоб Термизда туғилиб, шу ерда хизмат қилган экан. Фиқҳ, олим ҳадисчи, имом, тасаввуфчи Термизийлар номи бугун кўплаб халқлар эътиборида эканлигига ортиқча изоҳ беришга ҳожат бўлмаса керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизлари Фотима биби авлодларидан саналмиш Султон Саодатнинг Термизда яшаганлигига етарли асос бор. Бунга шаҳарда қад ростлаган ва то ҳануз қад кўтариб турган Султон Саодат мажмуи яққол далилдир. Муқаддас Қуръони Каримда номи зикр этилган (авлиё) Зулл Кифл ҳазратлари ҳам ана шу азим ва муқаддас Термизда умргузаронлик қилганлар. Нақл қилишларича, авлиё Зулл Кифл вафот этгандан сўнг ўзини санъат ва ҳунармандчилик ривожига ҳисса қўшган, илму фан ривожида беқиёс хизматлар қилган, ана шу муқаддас тупроқда униб-ўсган олиму уламо фозил фарзандларидир.

...Бир қурама ичидаги кўчишларнинг сабаби хилма-хил: бири вайронгарчилик келтирувчи урушлар туфайли кўчган бўлса, бошқаси сув таъминоти манбаларининг ўзгариши, ижтимоий ва диний буҳронлар туфайли кўчган.

Термизнинг афсоналарга бой бўлган Бақтрия вилоятининг қарийб қоқ кўксида, буюк дарё маъбуди Оахшо марҳамати билан минглаб йиллар давомида обиравонни шимолга, Зардуштнинг буюк марҳамати ила фаровон бўлган, янада афсонаворроқ Хоразм заминига элтган қудратли Окс — Жайҳун — Амударё соҳилида жойлашган.

Тарихшуносларнинг маълумотлари ва манбаларига таяниб шуни айтиш мумкинки, бир неча минг йиллар аввал, жез даврида ушбу дарёнинг ҳар икки томонида ажойиб Бақтрия цивилизацияси таркиб топди ва у кейинчалик Шарқ ва Ғарб: қадимги Шарқ, эрон, эллин, ҳинд-будда, туркий ва араб мусулмон цивилизациялари ёнма-ён ҳукм суриб келган, буюк Шарқ маданиятлари марказига айланди.

Бақтриянинг пойтахти, ўша пайтда янги ном билан Бохло (ўрта асрдаги Балх шундан келиб чиққан) деб атала бошлаган Бақтрани босиб олган араблар Бақтриянинг минглаб йиллик тарихини, Бақтрия пойтахти, бошқа бақтр шаҳарларини шонли ва буюк тарих йўлига солган бу шаҳарни «Уммул балад» — «Шаҳарлар онаси» деб атадилар. Баъзи шаҳарлар тарих томонидан ўзи учун аталган муддатни яшаб бўлиб, узоқ ўтмишда йўқликка юз тутган, бошқалари эса тарих мураккабликларини енгиб ўтиб бугунги замонга қадар яшаб келган ҳамда замонавий шаҳарларга айланди.

Шундай шаҳарлар орасида Термиз ҳам бўлиб, тарих унга бошқа барча шаҳарлардан-да кўпроқ марҳамат кўргазди. Минг йиллар давомида шаҳар не-не босқинларга учрамади, неча бор кули кўкка совурилмади, лекин ҳар гал қаддини тиклаб, гуллаб обод шаҳарга айланган. Шу боис, тарихда унга «Мадинат-ур-рижол» яъни «Мардлар шаҳри» дея ном берилгани бежиз эмас. Мустақиллик шароитида эса равнақ топаётган замонавий шаҳарга, Ўзбекистонимизнинг жанубий дарвозасига айланди.

Бунгача эса шаҳар минг йиллардан иборат тарихий даврни босиб ўтди. Унинг илк бунёдкорлари — бақтрлар донишманд одамлар бўлиб, тўқайзордан иборат, одам кам яшайдиган жойда шаҳар пойдеворини қўйганлар. Лекин даставвал ҳозирги Термез тўғонининг ўнг қирғоғида, Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасидаги чегарадаги ер ости ҳокимлиги ва ер ости ҳокимлиги ва ер ости ҳокимлиги ва

«ЭКОФОРУМ — 2002»

КЕНГЛИКЛАР КЕНГ ВА МУСАФФО БЎЛСИН

Жаҳон тараққиётининг глобаллашуви ва фан-техниканинг тезкор тараққиёти кўплаб экологик муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Мамлакатимизнинг жанубий кенгликларида жойлашган Қашқадарё воҳаси эса улкан ер ости бойликлари ва ўсиб бораётган меҳнат ресурслари билан ҳам эътиборга тушган. «Экосан» халқаро жамғармаси ва вилоят ҳокимлиги билан биргаликда илк бор «Экофорум-2002» тадбирининг ўтказилиши эса ўзига хос воқеа бўлди.

Тадбирда иштирок этган элчихоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари вилоятга ташриф буюриб, экологик аҳвол билан яқиндан танишдилар. Вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган «Қашқадарё вилояти: экология ва саломатликнинг ҳудудий муаммолари» мавзуидаги халқаро конференцияда меҳмонлар билан бирга, туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Конференцияни вилоят ҳокими Б. Ҳамидов очди. Йиғилишни эса «Экосан» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармаси раиси Ю. Шодиметов бошқарди. Фридрих Эберт номидаги Марказий Осиё ва Кавказорти бўйича жамғарма вакиллигининг раҳбари В.Ш. Детрес форум қатнашчиларини табриклади.

Шундан кейин Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б. Алихонов, республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Б. Ниёзматов, Грузиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гиви Абдушелишвилли, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Чжимин, «TWIG» ижтимоий ёрдам гуруҳи раҳбари Марцелла Холсте Фон Мутиус, ЎзФА сув муаммолари институтининг директори Эрназар Маҳмудов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

2001 йил «Экология ва саломатлик» республика танловининг ғолиби, Шаҳрисабздаги «Садо» ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳусан Каримовга ғолиблик сертификати топширилди.

Экофорум вилоят меҳнат аҳли далаларида ғайрат билан меҳнат қилаётган, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйига тараддуд кетаётган бир пайтда ўтди. Анжуман иштирокчилари шаҳри Кешда бўлиб, қадимий обидалар билан танишдилар.

Оқшомда вилоят марказидаги «Насаф» ўйингоҳида ташкил этилган экофестивалда истеъдодли санъаткорларнинг қуйқўшиқлари янгради.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

INTER-SPORT

МУҲАММАДҚОДИРНИНГ ЗАФАРИ

Яна бир хушхабар тарқалди. Профессионал боксда ўз маҳоратини оширишга қарор қилган олимпия ва жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ажойиб ғалабага эришди. У АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида 6 раундли жангда иштирок этди. Унинг бу галги рақиби америкалик Хасис Сантяго эди. Учрашувнинг тўртинчи раундига борганда, Муҳаммадқодирнинг кучли зарбаси накаутга ҳисобланиб, қўли баланд кўтарилди. Хасис шу пайтгача бешта учрашув ўтказиб, бир мағлубият, 4 ғалабага эришган. Унинг ҳисобида битта накаутли ютуқ бор. Муҳаммадқодир эса 6 та жанг ўтказиб, ҳаммасини ютган ва 5 та накаутли зарбаси бор. Бу шаҳарда профессионал бокс бўйича шуғулланаётган Руслан Чагаев билан Қувончбек Тайғанбоев эса навбатдаги учрашувларни 4 ва 17 апрель кунлари ўтказиши мўлжалланган.

ПЕЛЕ — РОМАРИО ТАРАФДОРИ

Футбол қироли Пеленинг фикрича, Ромарио Бразилия терма жамоаси таркибига киритилиб, у жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи ўйинларида иштирок этиши керак. Терма жамоа устози Луис Фелипе Сколари эса Ромариога ҳозирча шахсий муносабати юзасидан рўйхушлик бермаяпти. Пеле эса: «Кейинги пайтда мухлислар бизни аввалгидек ҳурмат қилмай қўйишган. Балки, бу яхшидир. Чунки, биз чемпионатда пешқадам сифатида қатнашмай, ўз ўйинимиз билан нималарга қодир эканлигимизни кўрсатишимиз лозим» деган фикрда.

UZBEKISTAN airways

Ҳаво алоқалари Бош агентлиги

ЁЗГИ ЖАДВАЛ–2002!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Ҳаво алоқалари Бош агентлиги ёзги жадвал бўйича авиачипталар сотувини ва бандлашни бошлади, қуйидаги йўналишлар бўйича қатновлар сони оширилди:



Тошкент — Франкфурт — Тошкент

HY-231 қатнови ҳар душанба, пайшанба ва шанбада жадвал бўйича бажарилади:
Тошкентдан учиш вақти — 06-50
Франкфуртга қўниш вақти — 10-25.
HY-233 қатнови ҳар сешанбада (27 августгача) жадвал бўйича бажарилади:
Тошкентдан учиш вақти — 15-30.
Франкфуртга қўниш вақти — 19-05

Тошкент — Истанбул — Тошкент
Самарқанд орқали

HY-271/272 қатнови ҳар пайшанбада жадвал бўйича бажарилади.
Тошкентдан учиш вақти — 06-40
Самарқандга қўниш вақти — 07-40
Самарқанддан учиш вақти — 09-10
Истанбулга қўниш вақти — 12-05
Истанбулдан учиш вақти — 13-55
Тошкентга қўниш вақти — 19-55

HY-273/274 қатнови ҳар шанбада жадвал бўйича бажарилади:
Тошкентдан учиш вақти — 13-20
Истанбулга қўниш вақти — 16-30
Истанбулдан учиш вақти — 18-10
Самарқандга қўниш вақти — 00-20 (якшанбада)
Самарқанддан учиш вақти — 01-50
Тошкентга қўниш вақти — 02-50

Учиш ва қўниш маҳаллий вақт бўйича кўрсатилган.

ШУНИНГДЕК, ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИДА ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ КЕКСА ЁШДАГИ КИШИЛАР УЧУН АВИАЧИПТАЛАРНИ БЕПУЛ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

АВИАЧИПТАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ: 152-27-90

Ушбу телефон рақамларини теринг, исталган қатновга Сиз учун жойни бандлашади ва авиачиптани Тошкентда кўрсатилган манзилгоҳ бўйича етказиб беришади.

БИЗ СИЗНИ СЕВАМИЗ ВА ҚАДРЛАЙМИЗ!

Ҳамдўстлик шаҳарлари бўйича қарийб барча йўналишларда пенсионерлар учун йиллик тарифлардан 25 фоизлик чегирма амал қилмоқда, баъзи халқаро йўналишларда эса пенсия тарифи мавжуд.
Маълумотнома хизмати: 066.
Халқаро маълумотнома: 56-38-37.
Авиачипталарни сотиш ва бандлаш: Тошкент шаҳар, У.Носир кўчаси, 9-уй, шунингдек, Ҳаво алоқалари Бош агентлигининг барча филиалларида.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҚУЛАЙЛИК!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

ҲАФТАНИНГ ҲАР ДУШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА КУНЛАРИ БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДОГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

КЎЧМАС МУЛКЛАР:

❒ Юнусобод туманида жойлашган ТошДИЭС стадиони, мол-мулки билан биргаликда. *Бошланғич нархи — 40 000 000 сўм.*
❒ Сирғали туманида жойлашган ошхона биноси. *Бошланғич нархи — 5 964 429 сўм.*
❒ Миробод туманида жойлашган ётоқхона биноси. *Бошланғич нархи — 19 552 477 сўм.*

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган бинолар:

❒ Маиший хизмат кўрсатиш маркази. *Бошланғич нархи — 2 861 499 сўм.*
❒ Тиббий санитария қисми. *Бошланғич нархи — 65 008 265 сўм.*
❒ Ичкари йўналтириш шаҳобчаси. *Бошланғич нархи — 5 306 675 сўм.*
❒ Босмахона. *Бошланғич нархи — 13 340 689 сўм.*
❒ Йиғув узатув бўлими. *Бошланғич нархи — 208 659 321 сўм.*
❒ Муҳандислик лаборатория бўлими. *Бошланғич нархи — 9 566 310 сўм.*
❒ Чўян қуйилмалари цехи. *Бошланғич нархи — 1 734 490 748 сўм.*

Автотранспорт воситалари:

❒ «М-2140», д/р 81-02 ТША, и/ч йили 1986. *Бошланғич нархи — 54 926 сўм.*
❒ «КАВЗ-685М», д/р 65-02 ТНЛ, и/ч йили 1985. *Бошланғич нархи — 529 383 сўм.*
❒ «Москвич-412», д/р 20-36 ТНБ, и/ч йили 1983. *Бошланғич нархи — 59 026 сўм.*
❒ «Зил-ММЗ-554М», д/р 10 AF 610, и/ч йили 1991. *Бошланғич нархи — 1 177 105 сўм.*
❒ ГАЗ-52-04», д/р 08-49 ТНИ, и/ч йили 1984. *Бошланғич нархи — 294 345 сўм.*
❒ «ГАЗ-2411», д/р 18-42 ТИД, и/ч йили 1991. *Бошланғич нархи — 351 585 сўм.*
❒ «Москвич М-2137», д/р 10 АА 356, и/ч йили 1976. *Бошланғич нархи — 95 230 сўм.*
❒ «Зил-431410», д/р 10 AG 528, и/ч йили 1989. *Бошланғич нархи — 867 878 сўм.*

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

«ДОН-НОН» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 50-уйда 2002 йил 25 апрель соат 10.00 да акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилади.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

1. «Дон-нон» ОАЖнинг 2001 йил молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2001 йил балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ва аудиторнинг 2001 йил учун хулосасини тасдиқлаш.
4. 2002 йил аудиторини тасдиқлаш.
5. 2002 йил Бизнес режасини тасдиқлаш.
6. 2001 йил молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган фойда тақсимоти.
7. Кузатув кенгаши, бошқарув органи ва тафтиш комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш ва қўшимча сайлашлар.
8. Кузатув кенгаши ва ижроия органларининг ҳисобот даврида қабул қилган қарорларини тасдиқлаш

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ОАО «Ўзметаллсавдо» ставит в известность заинтересованные лица, что в Ташкентском городском управлении по банкротству 28 марта 2002 года в 11 часов дня, вторично, состоится собрание кредиторов по вопросу «О признании ОАО «Узметаллсавдо» банкротом».

АДМИНИСТРАЦИЯ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва биология-тупроқшунослик факультети жамоаси «Ўсимликлар физиологияси» кафедрасининг собиқ мудири, доцент

АҲМЕДОВ Йўлдош Аҳмедовичнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- **ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;**
- **автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;**
- **ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;**
- **ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.**

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq —	133-44-55
Iqtisodiyot —	133-76-04
Ma'naviyat —	133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar —	133-12-56,
Axborot —	136-55-16
Kotibiyat —	133-72-83
Reklama va e'lonlar —	133-38-55, 133-47-80
Faks —	133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —	25-16-16
Buxoroda —	222-10-92
Gulistonda —	25-03-80
Jizzaxda —	5-49-85
Navoiyda —	3-39-20
Namanganda —	6-43-43
Nukusda —	222-70-12
Samarqandda —	35-20-54
Toshkentda —	136-53-16
Urganchda —	226-51-35
Farg'onada —	26-43-62
Qarshida —	4-61-35
Termizda —	3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA